

МИЛЛАТНИНГ ЎЗЛИКДАН БЕГОНАЛАШУВ ЖАРАЁНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14509886>

С.Атамуратов

фалсафа фанлари доктори,
ТКТИ “ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси профессори

Аннотация: Мазкур мақолада глобаллашув даврида миллатнинг ўзликтан бегоналашуви масаласи ёритилган. Глобаллашувнинг “оммавий маънавият” орқали миллатларнинг ўзлигидан бегоналашувига ўзининг таъсирини ўтказаётгани, иккинчи томондан тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларда жамиятда содир бўлаётган моддий ва миллий-маънавий табақаланишига ҳам ўзининг катта ҳиссасини қўшгани таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Глобаллашув, бегоналашув, “оммавий маънавият”, табақаланиши.

XXI аср инсоният тараққиётида янги босқич бўлиб, унинг онги, дунёқарashi ва интеллектуал салоҳиятининг юксак даражада ривожланганлиги билан характерланмоқда. Бугун инсоният ўзининг барча имкониятларини ишга солиб, фан, техника ва технологияни мисли қўрилмаган даражада ривожлантиришга муваффақ бўлди. Айни, пайтда улар қайси мамлакатларда ривож топаётган бўлса, уларда яшаётган аҳолининг аксарият қўпчилик қисми фаровон ҳаёт кечирмоқда. Шунинг билан бирга инсониятнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, унинг олдида янги муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда.

Хайратланарли жиҳат шундаки, инсон бугун эришган ютуқлар салмоғи қанча бўлган бўлса, унинг олдида юзага келаётган муаммолар салмоғи улардан бир неча баробар катта бўлмоқда. Айниқса, бугун инсонларнинг моддий бойликка нисбатан иштаҳаси ошганидан ошиб бораётгани оқибатида юзага келган глобал инқирозлар, уларнинг истиқболи учун катта таҳдид эканлигини англаб етишга ва уларни бирлашиб ҳал этиш ёки ҳеч бўлмагандан олдини олишга оммавий харакатлар шаклланмаётганлиги катта муаммо бўлиб қолмоқда.

Ана шу муаммолар занжирида инсоннинг инсонийлигини белгиларидан бири, унинг миллий ўзлигидан бегоналашув жараёнинг кечаётганлигидир. Миллат – бу инсоният учун улуғ қадрият ҳисобланади. Агар ана шу қадрият барҳам топадиган бўлса, инсон учун бошқа қадриятларнинг ҳам аҳамияти барбод бўлган бўлади. Чунки, миллатга мансубликни англаб етиш бу инсон

ўзига хос, тил, урф-одат, анъана ва қадриятлар умумийлиги асосида юзага келган этник ва ижтимоий уюшмадир. Бу уюшмма баъзи назариётчилар айтаётгандаридек, одамлар томонидан “ўйлаб чиқилган” ёки “йўқ” бўлиб кетадиган омил эмас.

Чунки, уни инсоннинг ўзи шакллантирилган ҳамда унга ўзининг ғуур, ифтихор ва ор-номусини сингдирган. Шу маънода ҳам миллат инсоннинг ўзи каби жуда мураккаб ва айни пайтда муқаддас қадриятдир. Унда инсоннинг ҳис, ҳаёжонлари, ўта нозик туйғулари мужассамлашган. Улар катта куч ва қудрат манбаи бўлиб, миллатнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Шунинг билан бирга миллатни инсонлар ҳаётида йўқотишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар улар катта фожиаларни юзага келтириш омилига айланади. Шу маънода ҳам инсон бор экан миллатнинг барқарор бўлиши ҳам муқаррардир.

Бугун барча мустакил давлатларда давлат номи билан аталувчи яна ҳам аниқроғи уни шакллантирувчи титул миллат бор. Улар давлат суверенитетини асрарда асосий масъуллар ҳисобланади. Титул миллат ўзгаларга қўшилиб кетадиган бўлса, давлат сувернитети ҳам барбод бўлади. Титул миллат нафақат барча миллатлар ва элатларни ўз атрофига уюштириш, балки улар билан бир куч бўлиб мамлакатни тараққий эттириш, унинг суверенитетини мустаҳкамлашда етакчилик қиласди.

Худди шу маънода ҳам бу ёргу оламда инсон ва давлат мавжуд экан миллат ҳам мавжуд бўлади, у давлат каби доимо такомиллашувда давом этаверади. Агар миллат ўзлигидан бегоналашиб, ўзгаларга қўшилиб кетадиган бўлсаям бунга миллатнинг ўзи сабабчи бўлиб қолади. Унинг вакиллари ҳар доим ўз миллатини асрар маъсулиятини ўз зиммаларида эканлигини англамасдан ташқаридан кириб келадиган маънавий таъсиrlарга бепарво бўлсалар, уларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга мойиллиги кучаядиган бўлса миллатнинг оламонга айланиши ҳам содир бўлади.

Агар ана шу жараён содир бўладиган бўлса, бу бутун инсоният учун фожиа ҳисобланади. Инсонлар турли миллатларга мансублиги билан бир-бирларига интилиб яшайдилар. Агар инсонларда ана шу турли-туманлик бўлмас экан, уларда инсонларга хос бўлган ҳис ҳаяжон, гўзалликни ҳис этиш миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантиришга бўлган интилиш ҳам барҳам топади. Улар фақат қорни учун яшайдиган манқуртларга айланиб қоладилар.

Афсуски, глобаллашувнинг авж олиши учунг таъсирида эришилаёттган юксак тараққиёт миллатлар маънавий ҳаётининг барча соҳаларда ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Албатта, глобаллашувнинг инсоният тараққиётига ўтказаётган ижобий таъсиrlарини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Хусусан, дунёда ягона иқтисодий маконнинг пайдо бўлиши, фан, техника ва технологиянинг бутун дунёда оммавийлашуви, ундан кўпгина халқларнинг манфаат кўраётганлиги бор гап. Аммо, унинг “оммавий маънавият”ни шаклланишига, “майда” миллатнинг юксак тарақкий топган миллатларга боғлаб қўяётганлиги, миллий маънавиятларни иқтисодий манфаатларга қурбон қилаётганлиги кабилар миллат ва бутун инсоният учун катта таҳдид эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Юзага келган ана шу жараёнлар бугуннинг ўзидаёқ миллатларнинг ўзлигидан бегоналашувида ўз ифодасини топмоқда.

Миллий ўзликдан бегоналашув – деганда миллатнинг шаклланиши давомида яратган ўзига хос урф-одат, анъана, қадриятлари, менталитети, онги ҳамда руҳиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаган маънавий бойликлардан узоқлашиб қолган ҳамда улардан баҳра олиш салоҳиятидан маҳрум бўлган холати тушунилади. Бундай холатда миллат охир оқибатда оламонга айланиб ўзга миллатларга қўшилиб кетади. Миллатнинг Оламонга айланиши унинг учун фожиа хисобланади. Зоро, Оламон – миллий ҳис-туйғуларидан, руҳиятидан, маънан гўзаллик, турли-туманлик, инсонга улуғворлик бағишловчи ягона мақсадлар атрофида уюшиш иштиёқидан, миллий-маънавий жозиба, куч-кудрат ва илҳом бағишловчи олийжаноб туйғулардан севги, муҳаббат, ҳамкорлик, ўзгаларнинг оғир вазиятлардаги холатларидан ҳамкорлик, қўллаб-куватлаш, биродарликдан ва ўзлигидан маҳрум бўлган тарқоқ ҳаёт кечиришга мойил бўлган инсонлардир. Миллатнинг бундай холатга келиб қолишида жаҳон миқёсида мамлакатларда кечаётган глобаллашув ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

Глобаллашув объектив жараён, у инсоният тараққиёти давомида шаклланган интелектуал салоҳиятининг хосиласи, шу маънода уни тўхтаб, ёки унинг олдига тўсик ҳам қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, унинг имкониятлардан фойдаланишдан бошқа йўл йўқ. Муаммо глобаллашув жараёнида эмас, балки, ундан фойдаланишда юзага келган имкониятлардаги тенгизлиларидир. Хусусан, уни шакллантираётган юксак тарақкий топган мамлакатлар бу жараёндан самарали фойдаланиб янада ривожланаётган бўлса, бундай имкониятларга эга бўлмаган мамлакатлар ва уларда яшайдилар миллатлар эса уларга ўз “иҳтиёrlари” билан боғланиб қолмоқдалар.

Яна аниқроғи, глобаллашув жараёнида юксак тарақкий топган мамлакатлардан орқада қолаётган мамлакатларга ўзларининг фан, техника ва технология соҳасидаги эришган ютуқларини етказиб бермоқдалар. Бу ютуқлар билан бирга улар томонидан шакллантирилган “оммавий маънавият” ҳам шиддат билан кириб келмоқда. Бу ўз навбатида миллий маънавиятларнинг қашшоқлашувига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар ўз интеллектуал

салоҳиятини ривожлантириб эҳтиёжлари учун зарур бўлган фан, техника ва технологияни тараққий эттириш ўрнига, тайёрини сотиб олишга мойил бўлиб бормоқдалар. Бу иқтисодий тежам бўлишини ҳисобга олганда тўғрилигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо, бунинг оқибатида маънавиятни иқтисодга қурбон қилиб, миллатнинг охир оқибатда ўзлигидан бутунлай бегоналашиб кетишига олиб келишини ҳам назарда тутмоқ керак бўлади. Боз устига тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатларда шаклланаётган бозор муносабатлари жамиятни нафақат моддий жиҳатдан, шунинг билан бирга миллий-маънавий жиҳатдан ҳам табақалашувини юзага келтирмоқда.

Шундай қилиб, бир томондан глобаллашув “оммавий маънавият”ни миллатларнинг ўзлигидан бегоналашувига ўзининг таъсирини ўтказаётган бўлса, иккинчи томондан тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларда жамиятда содир бўлаётган моддий ва миллий-маънавий табақаланишга ҳам ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда. Назаримизда худди ана шу иккинчи омил миллатларнинг мустақил субъект сифатида биринчига қараганда ҳам ривожланишига кучлироқ таҳдид солмоқда. Чунки, бозор муносабатлари шароитида моддий имкониятларга эга бўлган, қўлини узатган томонига етказишига қодир бўлган моддий жиҳатдан бақувватлашган “элитага” ўзининг кундалик ҳаёт кечириш, эҳтиёжларини қондира оладиган ўрта табака ва аҳолининг асосий қисмини ташкил қиласидиган ўргадан паст бўлган табақалар шиддат билан шаклланмоқда.

Жамиятда бундай табақаларнинг бозор муносабатлари таъсирида шаклланиши объектив қонуният, уни тўхтатиб бўлмайди. Чунки инсонлар ўз қобилияtlари, турмушга, меҳнатга муносабатлари, онги дунёқараши, тадбиркорлиги ва бошқа жиҳатлари билан бир бирларидан фарқ қиласидиган боис улар мулкий муносабатларга ҳам турли-туман бўлишлари табиий хол. Бозор эса тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган, меҳнат қилишда тиниб-тинчимайдиган инсонларга кенг имконият эшикларини очиб берса, уларнинг акси бўлган инсонлар учун бешасқатdir. Албатта, давлат ўз фуқароларининг фаровонлигини таъминлаш борасида ўз имкониятларини ишга солган ҳолда фаолият олиб боради. Аммо, бу борада амалга ошириш зарур бўлган вазифалар қўлами нихоятда каттадир. Хусусан, аҳолининг иш билан таъминлаш энг муҳим вазифаларидан биридир. Уни амалга оширишда тадбиркорлар давлатга ёрдамчи бўлиши лозим. Улар ўз ишлаб чиқаришига миллатимиз вакилларини иш билан таъминлашга хисса қўшсалар маълум маънода табақаланишнинг кескинлашиб кетишини олдини олишга ёрдам берган бўлар эди.

Миллатнинг барқарор ривожланишида унинг ўзлигидан бегоналашувининг олдини олиш амалий аҳамиятга эгадир. Афсуски, бу жараён ўта муракаблашиб

бормоқда. Бугун кatta моддий, бойликка эга бўлган “элита”, ўзининг эҳтиёжларини қондириш имкониятларига эга бўлган ўрта табақа ва аҳолининг асосий қисмини ташкил қилаётган ундан паст бўлган табақалар ўртасида миллий ўзига хосликни асрashга нисбатан турлича муносабатлар шаклланмоқда. Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ана шу ўзининг ҳалол меҳнати, пешона тери, бутун куч, қуввати билан катта маблағга эга бўлаётган элитага хасад билан эмас балки, ҳавас билан қарап лозим. Ана шундай инсонлар қанча кўп бўлса, миллат бойиди ва мамлакат ривожланади. Шунинг учун уларга эришишга ҳаракат қиладиган инсонлар ҳар тамонлама қўллаб қувватланиши лозим.

Аммо, миллий-маънавият жиҳатдан табақаланишда уларнинг айримлари етакчилик қилаётганлиги ҳам бор гап. Ўзининг қайсиdir миллатнинг вакили эканлигини эътироф этадиган, у билан ғурурланадиган бир хаводан нафас оладиган, унинг ютуқларидан фахрланадиган, камчиликларидан қайғурадиган бўлиш даражасига эришган бўлса, унинг қийинчилигини ўз имконияти даражасида ёрдам қўрсатадиган унинг мустақил миллат сифатида сақланиб қолишида маъсул эканлигини англаб этшиш зарурдир. Миллий ўзлиқдан бегоналашув эса охир оқибатда миллатнинг барбод бўлишига олиб келадиган энг хатарли йўл хисобланади. Зоро, миллий ўзлиқни асрash орқалигина, миллат тараққий қилади, миллатлараро муносабатлар барқарорликка амал қилади, мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва ривожланиш жараёнлари кечади.

Бугун миллатнинг миллий-маънавий жиҳатдан табақаланиши жараёни кетаётганлигини эътироф этмаслик мумкин бўлмай қолмоқда. Бу жараёнда катта бойликка эга бўлган элита (табақавий ва моддий бойлик мезони нуқтаи назардан)нинг бир қисми етакчилик қилаётгани ва унинг муаммога айланиб бормоқда. Бу жараёнлар, улар томонидан тўйлар ўтказиш, меҳмон чақириш, кундалик оиласи анъаналарни ўтказиш, қизни турмушга чиқариш, ўғил уйлантириш ва шунга барча тадбирларда ўз ифодасини топмоқда. Бундай тадбирларни олди олинмас экан табақаланиш кучайиб бораверади.

Кўриниб турибдики, миллий ўзлиқдан бегоналашув ўз-ўзидан содир бўлаётгани йўқ, балки бир томондан, у глобаллашувнинг “оммавий маънавият”ни миллатлар онги, дунёқарashi ва турмушкига сингдираётгани таъсирида, бўлса, иккинчи томондан эса миллатимиз айrim вакилларининг мустақиллиги шарофати или яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб катта бойликка эга бўлган ҳолда унинг бир қисмини, миллий ўзимизга хосликни асрashга, хеч бўлмагандга хорижий мамлакатлар бугун ўzlари эътироф этилаётган қашшоқлашган урф-одат, анъаналарини маънавий ҳаётимизга, олиб

киришдан, айниқса ёшлар ўртасида оммалаштиришдан ўзларини тийиб турмаётганликлари оқибатида содир бўлмоқда.

Бугун тобора авж олаётган жараённинг олди олинмас экан, эртага кеч бўлиши муқаррардир. Бу салбий жараёнларнинг олдини олиш учун эса: а) миллий-маънавий меросимизни тарғибот ва ташвиқот қилишни “оммавий маънавият” таъсир ўтказиши ҳамда унга нисбатан эҳтиёжни қолдирмаслик даражасига кўтариш; б) мамлакатимиз зиёлиларнинг “оммавий маънавият”нинг кириб келишининг олдини олишдаги фаоллигини кучайтириш. Уларнинг миллат тақдири ва истиқболи учун асосий маъсуллар эканлигидан келиб чиқсан ҳолда уларни бу жараёнга оммавий сафарбарлигига эриш; в) оила, таълим ва тарбия жараёнларида фарзандларимизда “оммавий маънавият” таъсиридан огоҳлик рухиятини кучайтириш. Улар чуқур билим эгаллаш, ҳунар ўрганиш, фан техника ва технологияларни чуқур эгаллаш билан бирга ўзимизни кириб дунёга олиб чиқиш рухиятини шакллантиришга эътиборни кучайтириш; г) маҳаллаларнинг миллий ўзимизга хос бўлган илғор урф-одат, анъана ва қадриятларимизни аҳоли ўртасида оммалаштириш уларни асраршдаги ва маҳалладан бемаслаҳат “янги” урф-одат, анъаналарни, айниқса ёшларимизнинг аҳлоқи ва рухиятига салбий таъсир ўтказадиган “оммавий маънавият”ни ташвиқот қилувчиларга нисбатан маҳалланинг оммавий маънавий тазийини ташкил қилишдаги маъсулиятини ошириш, глобаллашувнинг миллатимиз ривожланишига ижобий таъсир этувчи жараёнлардан, замонимизда юзага келаётган илмий янгиликлар, техника ва технология соҳасида ютуқлардан унумли фойдаланишда ёшларни қўллаб-қувватлаш, аммо унинг таъсирида миллий маънавиятимизга кириб келаётган, миллий ўзлигимизни барбод қилишга қаратилган “оммавий маънавият”дан огоҳ бўлишлари ва миллий маънавиятимизни чуқур эгаллашлари учун барча миллатдошларимизни сафарбар этишимиз каби ўта муҳим амалий тадбирларни ҳаётга тадбиқ қилиш зарурдир.